*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2013 йил
**27 ноябрь**
ЧОРШАНБА
**№ 95** (12627)

www.th.uz

Вилоят кенгаши сессияси

## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.**

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва котибият мудирлари, тегишли ташкилот раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари иштирок этган сессияда бугунги кунда шаҳар ва туман ҳокимликлари, тайёрлов корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа ташкилотларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлар захирасини яратишга оид ишлар талаб даражасида эмаслиги, чунончи, картошка, пиёз, сабзи, мева ва бошқа асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қиш-баҳор мавсумигача сақлаш учун захира омборларига жамғариш ишлари вақтида бажарилмагани хусусида гапирилди. Вазият тегишли ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар мисолида таҳлил қилиниб, режа Ангренда 60, Бекобод шаҳри ва Бўка туманида 70, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Пискент, Юқори Чирчиқ ва Бекобод туманларида 80 фоиз бажарилгани, "Ўзулгуржисавдоинвест", "Тошвилбозорсавдо" уюшмалари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини яратиш талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Захира яратиш учун банк кредитлари ажратиш ҳамда тайёрловчи корхоналарни нақд пул билан таъминлаш қониқарсизлиги қайд этилди.

Шунингдек, сессияда шу куннинг бир нечта долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди. Шулар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Қурилиш соҳасида тажриба орттирган Садиков Абит Сабитович вилоят ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.





## «БЎСТОНЛИҚ ТИКУВЧИЛАРИ» МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТБОП

**Чет эл сармояси иштирокидаги "Бўстонлиқ тикувчилари" масъулияти чекланган жамияти 2011 йилда иш бошлаб, ўтган қисқа даврда анчагина ютуқларга эришди.**

Корхонада 50 турга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Асосан эркак, аёл ва болалар трикотаж кийим-кечаклари ишлаб чиқарувчи корхонага хорижий фирмаларнинг энг сўнгги русумдаги дастгоҳлари ўрнатилган. Шу боис турли спорт кийимлари ва болалар трикотажи сифати анча яхшиланди.

Ҳозирги кунда дунё бозорида трикотаж маҳсулотларига талаб катта, рақобат ҳам шунга яраша. Харидор назаридан қолмаслик учун сифатга зўр бериш керак. Шу қоидага амал қилган корхонада ҳар ойда 50-60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, асосий харидор – Россия Федерациясига юз фоиз экспорт қилиняпти.

Корхонада маҳаллий аёллардан 100 нафари меҳнат қилмоқда. Улар ишга келиб-кетишлари учун транспорт ажратилган. Дам олиш хонаси ҳам ишчилар ихтиёрида.

– Яқинда маҳсулотларимиз сифатини янада оширадиган, бичиш-тикиш, дазмоллаш ва қадоқлаш жараёнида асқотадиган янги дастгоҳлар олиб келдик, – дейди корхона раҳбари Мустафо Йилмаз. – Уларни ўрнатиб, тўла қувват билан ишлатсак, яна 100 дан зиёд хотин-қизларни ишга қабул қиламиз.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.**

**СУРАТДА:** тикувчи Севара Исаева иш устида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## А. САДИКОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига Садиков Абит Сабитович тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими** **А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 19 ноябрь.

## Абит Сабитович Садиков



"Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси "93-Махсустрест"очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси вазифасида ишлаб келган Абит Сабитович Садиков Тошкент вилояти ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасига тайинланди.

Абит Садиков1972 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1994 йили Тошкент архитектура-қурилиш институтини қурилиш-технолог муҳандиси мутахассислиги бўйича битиргач, 159-қурилиш тресги 9-қурилиш бошқармаси бетончиси, устаси, прораби вазифасида меҳнат фаолиятини бошлади. 2001-2007 йилларда 159-қурилиш тресги 9-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси, бошлиғи лавозимларида ишлади. 2007-2008 йилларда "Ўзмахсусгазқурилиш" очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси бўлиб фаолият юритди. 2008-2010 йилларда "93-Махсустрест" очиқ акциядорлик жамиятида бош муҳандислик қилди. 2010 йилда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши устидан давлат назорати бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади. 2010-2013 йиллар давомида "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси "93-Махсустрест" очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси бўлиб ишлаб келди.

Партиясиз.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ*

**2013 йил 23 ноябрь** **XXX/I сон**

## ВИЛОЯТДА 2013-2014 ЙИЛ ҚИШ-БАҲОР МАВСУМИ УЧУН АСОСИЙ ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЗАХИРАГА ЖАМҒАРИШ БЎЙИЧА ШАҲАР ВА ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ, ТАЙЁРЛОВЧИ КОРХОНАЛАР ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Олиб борилган ўрганишлар натижасига кўра бугунги кунда вилоятнинг шаҳар ва туман ҳокимликлари, тайёрловчи корхоналар ҳамда ижтимоий соҳа муассасалари томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг захирага жамғариш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан захира ишларини жорий йилнинг 15 ноябрига қадар ниҳоясига етказиш вазифаси юклатилган бўлсада, вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишлари 20 ноябрь ҳолатига 91,3 фоизни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишлари режага нисбатан Ангрен шаҳрида (68 фоиз), Бекобод шаҳрида (78,7 фоиз), Бўка (79,4 фоиз), Қуйи Чирчиқ (81,7 фоиз), Янгийўл (82,1 фоиз), Чиноз (84,6 фоиз), Пискент (86,2 фоиз), Юқори Чирчиқ (86,3 фоиз) ва Бекобод туманларида (88,9 фоиз) вилоят кўрсаткичидан пастлигича қолмоқда.

Шунингдек, "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси корхоналари томонидан (91,2 фоиз), "Тошвилбозорсавдо" уюшмаси томонидан (70 фоиз), Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан (88,9 фоиз), Халқ таълими муассасалари томонидан (93,7 фоиз), ихтисослашган фермер хўжаликлари ва агрофирмалар (91,6 фоиз) томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишлари паст суръатларда олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш мавсумига захирага жамғариш учун банк кредитларини ажратиш ҳамда тайёрловчи корхоналарни нақд пулга бўлган талабини қондириш ишлари қониқарсиз аҳволда.

Хусусан, жами 2 млрд. 35 млн.сўм кредит маблағлари учун буюртма берилган бўлсада жорий йилнинг 20 ноябрь ҳолатига 1 млрд. 966 млн. сўм кредит ажратилиб, ушбу кўрсаткич 96,6 фоизни ташкил этмоқда.

ДТ "Халқ банки" вилоят бошқармаси томонидан 390 млн. сўм ва ЁАТБ "Савдогарбанк" томонидан ажратилиши лозим бўлган 50 млн. сўмлик кредит маблағлари ҳанузгача ажратилмасдан келинмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда қайд этилган камчиликларни бартараф этган ҳолда 2013-2014 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ва шу орқали вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Вилоятда 2013-2014 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари, тайёрловчи корхоналар ҳамда ижтимоий соҳа ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар мутлақо қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Барча шаҳар ва туман ҳокимликлари, тайёрловчи корхоналар ҳамда ижтимоий соҳа ташкилотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича белгиланган режани жорий йилнинг 25 ноябрь кунига қадар тўлиқ бажарган ҳолда жорий йилнинг 1 декабрь кунига ушбу режани 86,4 минг тонна (120 %) шундан, картошкани 21,6 минг тонна, пиёзни 13,9 минг тонна, сабзини 8,5 минг тонна, карамни 7,3 минг тонна, мевани 18 минг тонна, полизни 9,1 минг тонна, гуручни 4,3 минг тонна ва дуккакли донни 3,6 минг тонна қилиб захирага ғамлаш бўйича тегишли чоралар кўрсинлар.

3. Шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан ҳар бир захирага жамғарилган маҳсулотларни 2014 йилнинг май ойига қадар ойма-ой етказиш бўйича аниқ тақсимот режа графикларини уч кун муддатда ишлаб чиққан ҳолда тасдиқласинлар.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича вилоят мониторинг гуруҳига кунлик асосда тақдим этиб борилаётган ҳисоботларга қўшиб ёзган ҳолда кўрсаткичларни сохталаштирганликлари учун Ангрен (И. Раҳмонов) ва Бекобод (М. Бухарбоев) шаҳарлари, Қуйи Чирчиқ (М. Ботиров), Ўрта Чирчиқ (Б. Ибрагимов), Зангиота (С. Абдуллаев), Юқори Чирчиқ (У. Атемов), Янгийўл (Б. Пулатов), Чиноз (Н. Туляганов) ва Пискент (И. Эргашходжаев) тумани ҳокимларига "ҳайфсан" эълон қилинсин ҳамда Бекобод тумани ҳокими Ш. Хамраевдан ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи (30 %) миқдорида жарима ундирилсин.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захира қилиш бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги ҳамда "ҳайфсан" ва ойлик иш ҳақини 30 фоизи миқдорида интизомий жазо чоралари борлиги учун Оққўрғон тумани ҳокими Қ. Абилов келгусида бошқа барча соҳаларда қолоқликка йўл қўядиган бўлса уни эгаллаб турган лавозимида қолиш ёки қолмаслик масаласи ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши белгилаб қўйилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (Э. Муҳамадраҳимов) ва вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси иш бошқарувчиси (М. Икромов):

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғаришда деярли барча маҳсулот турлари бўйича ўрнатилган режа кўрсаткичларини паст даражада бажарганликлари учун Олмалиқ шаҳар (Ш. Пулатов) ва Бўка тумани (Д. Султонов) ҳокимларининг уч ойлик иш ҳақларини ўрнатилган тартибда олиб қўйиш бўйича;

*(Давоми 2-бетда).*

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ*

**2013 йил 23 ноябрь** **XXX/II сон**

## «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси М. У. Саидкаримовнинг "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фаолияти тўғрисида"ги ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб, сўзга чиққанларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, вилоят Кенгаши қуйидагиларни қайд этиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги ПҚ-1920-сон Қарори асосида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан қабул қилинган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, ушбу дастур асосида Тошкент вилоятидаги туман ва шаҳарларда қабул қилинган тегишли дастурлар ижросини назорат қилиш ишларини ташкил этиб келди.

Хусусан, ҳисобот даврида вилоят Кенгаши сессияларида дастур ижроси доирасида қуйидаги 11 та масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди:

2013 йил 22 февраль куни вилоят Кенгашининг XXIII сессияси бўлиб ўтди. Унда **"Вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда ўқувчи гуруҳларни шаклланиши ҳамда уларнинг ўқув дарсларига қатнови даражаси тўғрисида"**ги ва **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида"**ги масалалар кўриб чиқилган.

2013 йил 19 апрель куни вилоят Кенгашининг XXV сессияси бўлиб ўтди. Унда Давлат дастури доирасида **"Ўрта махсус, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини таълимга қамраб олиш ва коллеж битирувчиларини ўзлари эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишлар тўғрисида"**ги масала, шунингдек, **"Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда Бекобод ва Бўстонлиқ туманларида амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш тўғрисида вилоят "Сувоқава" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н. Аминовнинг ҳисоботи тўғрисида"**ги масала кўриб чиқилган.

2013 йил 19 май куни вилоят Кенгашининг XXVI сессияси бўлиб ўтди. Унда **"Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш ва сифатли хизмат кўрсатиш тизимини янада кучайтириш тўғрисида"**ги, **"Чиқиндилар тўғрисида"**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент вилоятида бажарилишининг бориши ҳақида**ги ҳамда **"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги "2012-2015 йилларда республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқарувини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1633-сонли қарорининг Тошкент вилоятидаги ижроси бўйича вилоят ҳокими А. Усмоновнинг ҳисоботи тўғрисида"**ги масала кўриб чиқилган.

2013 йил 6 июль куни вилоят Кенгашининг XXVII сессияси бўлиб ўтди. Унда **"Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, ёшларнинг 12 йиллик мажбурий таълим олишини таъминлаш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш тўғрисида",** шунингдек **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги ва **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини рўёбга чиқаришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"**ги масала кўриб чиқилган.

2013 йил 25 август куни вилоят Кенгашининг XXVIII сессияси бўлиб ўтди. Унда **"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 6 августдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2020-сонли қарорини вилоятдаги ижроси тўғрисида"**ги масала ва **"Олмалиқ шаҳар, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларида аҳолига пластик карточкалар орқали пуллик хизмат кўрсатишнинг мониторинги тўғрисида"**ги масала кўриб чиқилди.

Умумий ҳисобда Давлат дастури ижроси доирасида вилоят Кенгаши сессияларида 11 та, доимий комиссия мажлисларида 24 та масала кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижрочиларга кўрсатмалар берилган. Дастур доирасида доимий комиссиялар томонидан 100 га яқин учрашув ва тадбирлар ташкил этилди.

Умумий ҳисобда "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижроси доирасида Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши сессияларида 70 дан ортиқ, доимий комиссия мажлисларида 150 га яқин масалалар кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижрочиларга кўрсатмалар берилган. Дастур доирасида доимий комиссиялар томонидан 300 га яқин учрашув ва тадбирлар ташкил этилди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, айрим вилоят ва туман, шаҳар даражасидаги доимий комиссиялар ушбу дастур ижросини таъминлашга устувор аҳамият бериб келмадилар, дастур ижроси билан боғлиқ доимий комиссиялар ва депутатларнинг назорати талаб даражасида ўрнатилмади, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида уларнинг иштироки ҳам суст тавсифга эга.

Ушбу ҳолатларнинг барчаси доимий комиссиялар фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш, иш усули ва услубларини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси М. У. Саидкаримовнинг "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда Халқ

*(Давоми 2-бетда).*

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

**2013 йил 23 ноябрь** **XXX/I сон**

# ВИЛОЯТДА 2013-2014 ЙИЛ ҚИШ-БАҲОР МАВСУМИ УЧУН АСОСИЙ ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЗАХИРАГА ЖАМҒАРИШ БЎЙИЧА ШАҲАР ВА ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ, ТАЙЁРЛОВЧИ КОРХОНАЛАР ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғаришга бевосита масъул бўлишига қарамасдан ўзига юклатилган вазифага совуққонлик билан ёндошган ҳолда белгиланган режа кўрсаткичини бажаришни барбод қилганлиги учун Бекобод тумани ҳокими ўринбосари Ф. Мўминов ва Қуйи Чирчиқ ҳокими ўринбосари Х. Чиннибековларни эгаллаб турган лавозимларига лойиқлиги масаласи бўйича вилоят ҳокимига тегишли таклиф киритсинлар.

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш мавсумига захирага жамғариш учун тасдиқланган графикларга асосан берилган буюртманомалар бўйича белгиланган кредит маблағлари ажратилишида сусткашликка йўл қўйганликлари учун Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи А. Сайфуллаев ва ДТ "Халқ банки" бошқармаси бошлиғи З. Куйлоновлар қаттиқ огоҳлантирилсин ва келгусида ушбу камчиликлар такрорланса уларга нисбатан тегишли жазо чорасини кўриш бўйича Республика Марказий банки ва Халқ банкига тақдимнома киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

8. Вилоят Халқ таълими бошқармаси (Қ. Мовлянов), Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Ш. Нишанов), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (С. Бобоқулов):

марказлашган маблағлардан бюджет муассасаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғаришда қолоқликларга йўл қўйганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилсинлар;

3 кун муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишлари бўйича ортда қолган қолоқликларни тўлиқ ниҳоясига етказиш;

1 ҳафта муддатда махсус гуруҳлар тузиш орқали ҳар бир муассаса кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага қўйиш бўйича ички ўрганиш ўтказиб, сохта маълумотлар тақдим этган ҳамда захира ишларига совуққонлик билан ёндошган раҳбар ва ходимларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини кўриш ҳамда буйруқ нусхаларини вилоят ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

9. Вилоят Молия бошқармаси (Д. Хажиев) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича ижтимоий соҳа объектларига берилиши лозим бўлган бюджет маблағларини жорий йилнинг 25 ноябрь кунига қадар тўлиқ ажратиш чоралари кўрилсин.

10. "Тошвилбозорсавдо" уюшмаси раиси в.б Т. Назиров жорий йилнинг 1 декабрь кунига қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича белгиланган режани тўлиқ бажариш юзасидан тегишли чоралар кўрмайдиган бўлса, уни эгаллаб турган лавозимида қолиш ёки қолмаслик масаласи ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

11. Вилоят ҳокими ўринбосари (А. Абдуқодиров):

– бир кун муддатда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишларини жорий йилнинг 25 ноябрь кунига қадар маҳсулот турлари ва белгиланган ҳажмлари бўйича 100 фоизга, жорий йилнинг 1 декабрь кунига қадар 120 фоизга етказиб якунлаш бўйича ҳар бир шаҳар, туман ҳокимларидан кафолат хатларини олиш;

– уч кун муддатда ҳар бир шаҳар, туман ҳокимлари томонидан захирага жамғарилган маҳсулотларни 2014 йилнинг май ойига қадар ойма-ой етказиш бўйича тақсимот режа-графикларини ишлаб чиқиб, тасдиқлатиш чораларини кўриш бўйича зарурий чора-тадбирларни белгилаш вазифалари юклатилсин.

12. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (А. Абдуқодиров, С. Файзиева), "Тошвилбозорсавдо" уюшмаси (Т. Назиров), барча улгуржи базалар шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг 20 декабрь кунидан 5 январь кунига қадар янги йил байрами арафасида барча шаҳар ва туман марказлари ва аҳоли гавжум жойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзонлаштирилган "Савдо ярмаркалари"ни ташкил этсинлар.

Шунингдек, аҳоли томонидан келаётган байрамни кўтаринки руҳда ва аъло кайфиятда кутиб олишлари учун мазкур савдо ярмаркалари ташкил этиладиган жойларда таниқли санъаткорларни жалб қилган ҳолда маънавий ва маърифий тадбирларни кенг амалга оширишга алоҳида эътибор қаратсинлар.

13. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларига:

жойларда асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари, тайёрлов корхоналари ва ижтимоий таъминот ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларни жойига чиқиб танқидий ўрганган ҳолда натижаси бўйича мунтазам равишда вилоят ҳокимлигига ахборот бериб бориш;

тасдиқланган графикларга асосан ҳудудий ҳокимликларда тайёрлов корхоналари ва ижтимоий соҳа ташкилотларини кенг жалб қилган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича қилинаётган ишларни чуқур муҳокама қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

15. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси А. УСМОНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

**2013 йил 23 ноябрь** **XXX/II сон**

# «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг фаолияти тўғрисида"ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг фаолияти қониқарли деб топилсин.

Шу билан бир қаторда вилоят Кенгашининг айрим доимий комиссияларининг ушбу давлат дастури ижросини таъминлаш, назорат ишларини ташкил этишдаги иштироки тўлиқ таъминланмаганлиги қайд этиб ўтилсин.

3. Вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари 2013 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботларини 2013 йил 20 декабрь кунигача умумийлаштириш ва тегишли чораларни белгилаш бўйича қарор лойиҳаларини тайёрлаш учун вилоят Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси (О. Исломов)га тақдим қилсин.

4. Вилоят Кенгашининг доимий комиссия раисларига:

Вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг 2014 йилга мўлжалланган иш режалари лойиҳалари Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг декабрь ойида бўлиб ўтадиган навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш чоралари кўрилсин.

Иш режалар лойиҳаларини тайёрлашда навбатдаги йил номи мазмун-моҳиятидан, шунингдек ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида доимий комиссияларнинг иштирокини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат ишларига устувор аҳамият берилсин.

5. 2014 йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтишини ҳисобга олган ҳолда вилоят Кенгаши доимий комиссиялари беш йиллик ўз фаолиятларининг сарҳисобини тайёрлаш ва 2014 йил IV чорагида бўлиб ўтадиган Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига ҳисобот шаклида топширишни ўз режаларига киритсинлар.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия (О. Исломов) зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси А. УСМОНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

**2013 йил 23 ноябрь** **XXX/III сон**

# «2014 ЙИЛДА ИШ ЖОЙЛАРИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ» ТЎҒРИСИДА

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади.

Жумладан:

Инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш, тармоқларни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва қайта қуроллантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига 8297 та (жами иш ўринларига нисбатан 9,5 %) иш жойлари;

кичик корхоналар ташкил этиш, микрофирмалар ҳамда якка ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш. Бунинг эвазига 43935 та (жами иш ўринларига нисбатан 50 %) янги иш жойлари яратиш. Кичик бизнесда яратиладиган иш ўринларининг сезиларли қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, саноатда, қурилиш-пудрат ишларида, шу жумладан уй-жой қурилиш ва реконструкция қилиш соҳасида;

уй меҳнатини ривожлантириш, биринчи навбатда корхоналар билан кооперацияга асосланган меҳнат шартномалари бўйича, миллий ва халқ ҳунармандчилиги ҳамда уйда хизмат кўрсатишга асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш. Бунинг натижасида 16099 нафар банд бўлмаган фуқароларни, асосан кўп болали аёллар, ногиронлар ва бошқа аҳолининг ижтимоий заиф тоифаларини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Шундан, 4676 та иш ўринлари енгил саноат, озиқ-овқат, кимё, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика комплекси ҳамда қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларининг йирик ва кичик корхоналарида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида касаначиликни ташкил этиш ҳисобига яратилади;

паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик ва полиз экинлари ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига 11305 та иш ўринлари ташкил этилади;

автомобиль йўллари ва темир йўллар, электр, сув ва газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш, телекоммуникация тармоқлари ва ускуналарини модернизациялаш ҳисобига ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш ҳамда жойларда бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш эвазига 6138 та янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган;

вақтинча ишламаётган корхоналар, шу жумладан тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналарнинг фаолиятини тиклаш бўйича чоралар кўриш натижасида 1194 та иш ўринлари яратилиши таъминланади.

"2014 йилда иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" шунингдек, 2013 йил иш жойларини яратиш вилоят дастурининг 10 ойлик ижроси юзасидан вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи эшитилди ва муҳокама қилиниб, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "2014 йилда иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"ни ишлаб чиқиш бўйича вилоят ҳудудий ишчи комиссиясининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда "2014 йилда иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" ҳамда унинг асосий йўналишлари иловага асосан тасдиқлансин.

3. Шаҳар ва туман ҳокимларига:

– вилоятда "2014 йилда иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"нинг барча йўналишлари бўйича бажарилишини таъминласинлар;

– дастурга киритилган корхона (тадбиркор ҳамда фермер)ларига янги иш ўринларининг яратилиши билан боғлиқ муаммоли (ер майдонлари ажратилиши, тижорат банклари томонидан ўз вақтида кредит маблағларининг ажратилиши ва бошқа) масалалар ҳал этилишида амалий ёрдам кўрсатсинлар.

2. Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (С. Бобоқулов):

– Дастурда белгиланган прогноз параметрларнинг бажарилишини ҳудудлар ва корхоналар кесимида таҳлил қилиб, ҳар чорак якуни бўйича Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қошидаги доимий ишловчи комиссия аъзолари ҳамда тегишли вилоят бошқармалари ва ҳудудий ҳокимликлар мутасаддиларига тегишли ахборотлар тақдим этилишини таъминласин.

3. Тошкент вилоятида "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг 1-сонли баёнида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги бандлик манзилли дастурига киритилган Олмалиқ шаҳри, Бекобод, Бўстонлиқ, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Янгийўл туманларида хотин-қизлар тадбиркорлиги, ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил этилсин.

4. Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясига:

– 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини шакллантириш жараёнида, барча туман (шаҳар)лардан аниқ лойиҳаларни ташкил этиш таклифлари ҳамда 2013-2015 йиллар мобайнида Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, ҳудудий инвестиция, модернизация ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис дастурлари асосида шакллантирилсин.

5. Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясига:

– Тошкент вилоятида 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш натижасида меҳнат бозорида иш қидирувчилар, биринчи навбатда ёшларни (таълим муассасалари битирувчиларини), таркибий ўзгаришлар натижасида бўшаб, меҳнат бозорига чиқадиган фуқаролар ва бошқа тоифадаги ишсизларнинг бандлигини таъминлаш имконини ҳамда ишсизлик даражасини барқарор сақлаб қолиш чоралари кўрилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия"си зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси А. УСМОНОВ.**

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXX сессияси III сон қарорига илова**

**2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш**
**ДАСТУРИ**

| Т/р | Йўналишлар | | Жами | шу жумладан туманлар (шаҳар): Ангрен ш. | Олмалиқ ш. | Бекобод ш. | Чирчиқ ш. | Оҳангарон т. | Оққўрғон т. | Бекобод т. | Бўстонлиқ т. | Бўка т. | Қибрай т. | Зангиота т. | Паркент т. | Пискент т. | Чиноз т. | Қуйичирчиқ т. | Ўртачирчиқ т. | Юқоричирчиқ т. | Янгийўл т. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Иш ўринларини ташкил этиш, жами** | иш ўрни | **86 968** | **5 132** | **5 018** | **4 084** | **5 007** | **4 661** | **4 030** | **3 889** | **4 802** | **3 989** | **5 165** | **8 987** | **3 906** | **3 628** | **3 978** | **3 656** | **4 612** | **4 464** | **7 960** |
| | | *мавжуд объе.кор.сони* | *9 761* | *820* | *349* | *300* | *529* | *457* | *582* | *630* | *592* | *335* | *743* | *560* | *804* | *395* | *296* | *292* | *625* | *678* | *774* |
| | | *янги кор.сони* | *2 169* | *174* | *84* | *86* | *100* | *153* | *55* | *143* | *171* | *64* | *105* | *117* | *237* | *31* | *24* | *21* | *216* | *193* | *195* |
| | шу жумладан: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш | иш ўрни | 8 297 | 1 071 | 1 237 | 535 | 1 764 | 250 | 87 | 72 | 610 | 20 | 330 | 570 | 120 | 369 | 85 | 90 | 345 | 382 | 360 |
| | | *мавжуд кор.сони* | *121* | *8* | *16* | *2* | *21* | *4* | *4* | *5* | *2* | *1* | *15* | *6* | *16* | *2* | *3* | *2* | *3* | *1* | *10* |
| | | *янги кор.сони* | *51* | *21* | | | *3* | | *7* | | | | | *1* | *8* | | *1* | | *1* | *1* | *8* |
| 2. | кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш | иш ўрни | 35 709 | 2 250 | 2 145 | 1 906 | 2 433 | 1 992 | 1 290 | 1 525 | 1 661 | 1 224 | 2 320 | 4 423 | 1 370 | 921 | 1 548 | 1 260 | 2 273 | 2 068 | 3 100 |
| | | *мавжуд объе.кор.сони* | *4 859* | *602* | *215* | *214* | *394* | *255* | *172* | *220* | *245* | *189* | *287* | *288* | *338* | *93* | *133* | *108* | *358* | *416* | *332* |
| | | *янги кор.сони* | *2 118* | *153* | *84* | *86* | *97* | *153* | *48* | *143* | *171* | *64* | *105* | *116* | *229* | *31* | *23* | *21* | *215* | *192* | *187* |
| | шундан: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2.1. | саноатда | иш ўрни | 7 261 | 260 | 380 | 269 | 849 | 426 | 590 | 48 | 346 | 25 | 421 | 1 020 | 118 | 368 | 365 | 115 | 355 | 346 | 960 |
| | | *кор.сони* | *854* | *99* | *32* | *25* | *151* | *44* | *10* | *8* | *53* | *11* | *51* | *68* | *25* | *23* | *35* | *15* | *49* | *71* | *84* |
| 2.2. | қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан уй- жой қурилиши ва таъмирлаш | иш ўрни | 3 270 | 150 | 256 | 327 | 200 | 327 | 92 | 133 | 135 | 72 | 150 | 180 | 98 | 60 | 255 | 96 | 280 | 169 | 290 |
| | | *кор.сони* | *358* | *18* | *28* | *34* | *44* | *28* | *21* | *11* | *12* | *10* | *12* | *8* | *11* | *8* | *10* | *3* | *30* | *34* | *36* |
| 3. | якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш | иш ўрни | 8 226 | 439 | 360 | 323 | 310 | 426 | 368 | 499 | 285 | 420 | 461 | 1 121 | 508 | 200 | 545 | 295 | 494 | 362 | 810 |
| 4. | касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш | иш ўрни | 16 099 | 530 | 552 | 875 | 321 | 1 223 | 540 | 766 | 1 025 | 1 095 | 1 061 | 1 645 | 486 | 1 157 | 842 | 731 | 596 | 1 054 | 1 600 |
| 4.1. | шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначилик | иш ўрни | 4 676 | 230 | 435 | 280 | 116 | 355 | 120 | 226 | 301 | 290 | 277 | 420 | 200 | 201 | 332 | 121 | 122 | 250 | 400 |
| | | *кор.сони* | *513* | *24* | *32* | *19* | *30* | *11* | *60* | *33* | *17* | *4* | *64* | *48* | *3* | *77* | *26* | *10* | *8* | *30* | *17* |
| 5. | фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (шу жумладан паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик) | иш ўрни | 11 305 | | | | | 480 | 1 582 | 758 | 880 | 1 055 | 547 | 631 | 1 067 | 661 | 606 | 842 | 550 | 396 | 1 250 |
| | | *фер.сони* | *3 056* | | | | | *98* | *303* | *330* | *303* | *133* | *294* | *161* | *303* | *196* | *119* | *94* | *197* | *182* | *343* |
| 6. | ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш | иш ўрни | 6 138 | 685 | 670 | 399 | 163 | 140 | 138 | 249 | 270 | 150 | 372 | 503 | 313 | 288 | 306 | 368 | 304 | 120 | 700 |
| | | *кор.сони* | *1 056* | *159* | *78* | *55* | *81* | *80* | *35* | *40* | *14* | *5* | *69* | *46* | *140* | *19* | *13* | *74* | *49* | *36* | *63* |
| 7. | ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш | иш ўрни | 1 194 | 157 | 54 | 46 | 16 | 150 | 25 | 20 | 71 | 25 | 74 | 94 | 42 | 32 | 46 | 70 | 50 | 82 | 140 |
| | | *кор.сони* | *156* | *27* | *8* | *10* | *3* | *9* | *8* | *2* | *11* | *3* | *14* | *11* | *4* | *8* | *2* | *4* | *10* | *13* | *9* |

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

**2013 йил 23 ноябрь** **XXX/V сон**

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲАМДА ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси З. Эралиева ва Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия раиси С. Файзиеванинг доимий комиссиялар фаолиятини кучайтиришга оид чора-тадбирлар режаси тўғрисидаги маърузалари ва тавсияларини тинглаб, муҳокама қилиб, вилоят Кенгаши қуйидагиларни қайд этиб ўтади.

Жорий йилда Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан мониторинг асосида ўрганиб чиқилди.

Сенат комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили барча доимий комиссиялар фаолиятига хос бўлган қуйидаги камчиликлар кўрсатилди:

– маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари тўғрисидаги низомларда белгиланган фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича долзарб ижтимоий-маданий ривожланишга, хусусан, ёшларга ва соғлом авлодни тарбиялаш, таълим, жисмоний тарбия ва спорт, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид муҳим масалалар жойларда кам муҳокама этилган;

– доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларда белгиланган қоидаларга зид равишда ҳамон доимий комиссиялар мажлисларини ҳар ойда мунтазам ўтказиб боришга эришилмаган;

– кўпчилик доимий комиссиялар томонидан ҳудуднинг ижтимоий-маданий ривожи, баркамол авлод тарбиясига оид ўта муҳим масалалар маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига камдан-кам ҳолларда киритилмоқда, бу борада доимий комиссиялар раисларида ташаббускорлик ва фаоллик етишмайди;

– доимий комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар тегишли давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва манфаатдор шахсларга ижро учун юборилмаган, уларнинг ижроси юзасидан эса таъсирчан депутатлик назорати ўрнатилмаган;

– баъзи доимий комиссиялар томонидан хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамиятининг институтлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилмаган;

– гарчи кейинги йилларда доимий комиссияларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги анча кучайиб, депутатлар томонидан чоп этилаётган мақолалар, эфирга узатилаётган интервьюлар сони кўпайган бўлсада, бундай чиқишларнинг сифати етарли даражада эмас.

Юқоридаги камчиликларнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси фаолиятида қайтарилмаслиги учун мазкур доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтиришга оид чора-тадбирлар режасини қабул қилиш тавсия этилмоқда. Шунингдек, доимий комиссияларнинг оммавий ахборот воситалари ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш чораларини кўриш белгиланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссияларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияларининг 2013-2014 йиллардаги фаолиятини кучайтиришга оид чора-тадбирлар режаси (намунавий) 1-сон иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларнинг 2014 йилга мўлжалланган фаолиятини кучайтиришга оид чора-тадбирлар режаси 2– ва 3-сон иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси (З. Эралиева) ва Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия (С. Файзиева)га:

– Тошкент вилоятидаги жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш асосида вилоятда ижтимоий-маданий масалалар, ёшлар манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш ишлари кучайтирилсин;

– жойларда доимий комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таъсирчан депутатлик назорати механизмларидан кенг фойдаланиб борилсин;

– тегишли масалалар бўйича Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига масалаларни тайёрлаш ва муҳокамага киритиш ишлари кучайтирилиб, Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашидаги соҳавий доимий комиссияларга маҳаллий Кенгаш сессияларига масала киритишда амалий кўмак кўрсатилсин;

– Доимий комиссияларнинг оммавий ахборот воситаларидаги фаолиятини мунтазам ва кенг ёритиш чоралари кўрилиб, доимий комиссиянинг ҳар бир аъзосини қамраб олган ҳолда ойлик медиа-режалар тузилиб борилсин ва уларнинг ижроси доимий комиссия котиби зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси (З. Эралиева) ва Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия (С. Файзиева) зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси А. УСМОНОВ.**

## Ҳаёт сабоқлари

# СЎНГГИ ПУШАЙМОН...



Халқимизда "Қайнонали келин – қарқара келин, қайнонасиз келин – масхара келин" деган нақл бор. Янги хонадонда янги ҳаёт бошлаган ёш келинга турмуш икир-чикирлари, рўзғор тутиш сирларини ўргатадиган, шу оилага тошдек ботиб, сувдек сингиб кетишида кўмак берадиган асосий тарбиячи ва иккинчи она албатта қайнонадир. Зеро, ёш келин бамисоли навниҳол. У ёрдамга муҳтож, меҳрга ташна. Аммо, баъзи қайноналар буни тушунмайдилар ёки тушунишни истамайдилар. Келинларига билмаганини ўргатиб, маслаҳат бериш ўрнига, камчилигини юзига солиб, дакки беришади, игнадек хатони туядек қилиб кўрсатиб, сабабсиз жанжал бошлайдилар. Келинларига келгинди, хизматкордек муносабатда бўладиган қайноналар ҳам бор. Қайнона-келин низолари оқибатида барбод бўлаётган оилалар озми, ахир?

Таҳририятимизга келган мактублардан бири айнан шу мавзуда... Қалб кечинмалари битилган мактубни эътиборингизга ҳавола этишни ўринли деб билдик.

...Мен бой-бадавлат, зиёли оилада улғайдим. Ортимдан юрган ошиқ йигитларнинг саноғига етиб бўлмасди. Мен эса уларнинг ҳеч бирига қайрилиб қарамас, фақатгина Даврон акамларни телбаларча севардим. Коллежни тамомлаганимдан сўнг эшигимиздан совчилар узилмай қолди. Ота-онам мени тезроқ турмушга бериш ниятида эканларини айтиб, ҳоли жонимга қўймас эдилар. Шунинг учун Даврон акамга менга уйланиш ниятлари бўлса, тезроқ совчи юборишлари кераклигини айтдим.

Аммо, менинг ота-онам ҳам, уларнинг ота-онаси ҳам бизнинг турмуш қуришимизга қатъий қаршилик қилишди. Ота-онам бу оила бизга тенг эмас, дея оёқ тираб олишди. Аммо, Даврон акам билан ўртамиздаги муҳаббат қанчалар кучли эканини тушунгач, ота-онам кўнглимга қарашни маъқул кўришди. Даврон акам ҳам мендан бошқага уйланмасликларини айтиб, ота-онасини охири кўндирди. Ниҳоят, биз кутган тўй бўлиб ўтди. Аммо, вақт ўтган сайин қайнонам билан тез-тез жанжаллашиб қоладиган бўлдик. Улар ҳар бир қилган ишимдан қийиқ қидирар, ўтирсам ўпоққа, турсам сўпоққа чиқарардилар. Қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар йиғилди дегунча, мени ғийбат қилишни бошлардилар. Ҳаммасидан менга қилган туҳматларига чидаш оғир эди. Бир куни эрта тонгда қайнонамнинг йиғисию дод-войидан чўчиб уйғондим. Қўрқиб, югурганча ҳовлига чиқдим. Қайнонам эшик олдида ўтириб олиб, тинимсиз нолирдилар:

– Бошимга не кунларни солмади бу келин ўлгур, келин эмас бало бу, бало. Унинг дастидан ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим.

Гап яна мен ҳақимда эканини тушундим:

– Ойижон, нима бўлди?

– Дард бўлди, бало бўлди. Ўғри! Сен келдинг-у, уйимдан барака кетди. Қани кечагина сотиб олган рўмолим?

Томоғимга нимадир тиқилди. Кўзимга ёш қуйилди. Чидаб тура олмадим. Уйдан чиқиб, ота-онамникига чопдим. Онам аҳволни тушунгач, мени овута бошладилар. Отам эса жаҳл билан кўчага ҳайдадилар:

– Ҳозироқ кет бу уйдан. Ўша турмушни ўзинг танладинг. Энди ўзинг пиширган ошни ўзинг ейсан.

Кўз олдим баттар қоронғилашди. Йиғлаган кўйи кўчага отилдим. Анча вақт сарсон юрдим. Оқшом туша бошлагач, ваҳима босиб, қайнонамнинг уйларига қайтишга мажбур бўлдим. Турмуш ўртоғим онасига қарши бир оғиз сўз айтолмас, фақат "чида" деб мени овутишдан нарига ўтмасдилар.

...Қайнонамнинг туғилган кунлари яқинлашиб қолган эди. Бу имкониятдан фойдаланиб, уларга совға олиб, сал бўлсада, кўнгилларини юмшатишни хаёл қилдим. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, қайнонам ёқтирадиган дурли тақинчоқ сотиб олдим. Ўша куни ошхонадан чиқмай, турли таомлар, мазали торт пиширдим. Ҳамма йиғилиб, дастурхон атрофига ўтиришди. Негадир қайнонамнинг чеҳраси очилмасди.

Ниҳоят, қайнонамга чиройли тилаклар билдириб:

– Ойижон, туғилган кунингиз билан табриклайман. Бахтимизга соғ бўлинг, узоқ умр кўринг. Шу арзимас совғамни қабул қилсангиз, – дедиму қўлларига тутдим. Қайнонам эса, мен кутгандек хурсанд бўлиш ўрнига, совғага бироз тикилиб турдида, стол устига отиб юборди.

– Келин, мабодо ўқитиб, иссиқ-совуқ қилиб келмадингизми бу тақинчоқни? Шунақа нарсалардан яхшигина хабардорсиз-ку?! – деди.

Томдан тараша тушгандек бу гапдан ўртага ғалати, хунук сукунат тушди. Мен лолу ҳайрон қотиб қолдим...

Ўша лаҳзадаги аҳволимни тасвирлаб беришга сўз топа олмайман. Ўзимни дунёдаги энг бахтсиз, энг ғариб инсондек ҳис қилдим. Яшашдан кўра, ўлимни астойдил хоҳлардим. Хонамга кирдим-у, эшикни ичкаридан қулфладим...

Ҳушимга келганимда шифохонада эдим. Кўзимни очганимни кўриб, шифокорлар суюниб кетишди. Негаки, аҳволим оғирлашиб, кома ҳолатига тушиб қолган эканман. Ҳомилам ҳам нобуд бўлганини айтишди...

Шундай қилиб, тақдирнинг аёвсиз тўфонларини енгиб ўтишга ожизлик қилдим. Нимага эришдим? Аксинча, боримни ҳам бой бердим, жондан азиз зурриётимни йўқотдим, энг яқин инсоним – турмуш ўртоғимдан ҳам жудо бўлдим. Ҳомилам нобуд бўлгани, энди бошқа фарзанд кўра олмаслигимни эшитиб, у мендан юз ўгирди. Атрофдагиларнинг баъзилари менга ачиниш билан қарашса, баъзилари ортимдан минг бир маломат тошларини отишади. Айримларнинг пичингли гаплари эса юрагимга ханжардек қадалади. Буларнинг барчасига ким айбдор? Қайнонамнинг сабабсиз инжиқликларими ёки менинг сабрсизлигим, нодонлигимми? Лекин қайнонам мени ўз қизларидек қабул қилганларида, озгина бўлса-да меҳр кўрсатганларида, ҳар бир ишимдан айб топиб, бўлар-бўлмасга қойиб, камситавермаганларида уларни ўз онамдек ҳурмат қилардим-ку!

Вақт – олий ҳакам дейишади. Балки яна бир оз чидасам, қайнонамга меҳр, ширинсўзлик билан жавоб бераверсам, эҳтимол вақт ўтиб ҳаммаси изига тушармиди?..

Ҳаёт ҳар биримизни минг бир чиғириқлардан ўтказади. Зеро, донишмандлардан бири бу дунёда яшамоқликнинг ўзи жасорат эканини таъкидлагани бежиз эмас. Афсус, ҳаётда кўпчилигимиз ношудлигимиз, пухта ўйламай қарор қабул қилишимиз оқибатида боши берк кўчага кириб қоламиз. Сўнгги пушаймон ўзимизга душман бўлиши ҳақида аввалроқ ўйлаб кўрмаймиз.

**Алия АБДУРАҲМОНОВА.**




## ҚОР БЎРОНИ – УМР ЗАВОЛИ

**Американинг ғарбий ва марказий ҳудудларида бошланган кучли қор бўрони оқибатида 13 киши ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатди NBC News.**

Мамлакатнинг Калифорния, Арезона, Нью-Мексико, Оклахома ва Техас штатларида қор бўрони сабабли кўплаб автоҳалокатлар юз берди, электр симлари узилди, дарахтлар қулади. Нохуш об-ҳаво шароити самолётлар учишига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, Техас штатидаги Даллас аэропортида 300 дан зиёд авиарейс бекор қилинди.

Қор бўрони пайтида шамолнинг тезлиги айрим жойларда соатига 80 километрга етди. Юта штатида ўтган якшанба куни 30 сантиметр қалинликда қор ёғди. Табиийки, қор бўрони ҳароратнинг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлди. Чунончи, қатор ҳудудларда ҳаво ҳарорати меъёрдагидан 10 даража пасайди.

Миллий метеобюро маълумотларига қараганда, қор бўрони Арканзас, Луизиана, Теннес, Жоржия, Жанубий ва Шимолий Каролина штатларига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Синоптиклар берган маълумотларга кўра, шу ҳафтанинг ўрталарида қор бўрони Нью-Йоркка етиб келади.





## ЮТУҚНИ БЎЛИШОЛМАЙ, ЭР-ХОТИН АЖРАШДИ

**РИА-"Новости" агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, британиялик эр-хотин лотереяга чиққан катта ютуқ – 101 миллион фунт стерлинг пулни бўлишолмай ажралиб кетишди.**

Дейв ва Анжела Доуз кўп миллионли ютуқни қўлга киритишгач, бир хонали уйларини 9 миллион фунт турадиган катта кошонага алмаштиришди. Пойтахтдаги энг нуфузли меҳмонхоналарда дам олишди. Баъзи маълумотларга қараганда, улар илгари ўзларига ёрдами теккан 15-20 кишининг рўйхатини тузиб, яхшиликларига жавоб қайтармоқчи бўлишган. Худди шу масалада чиққан жанжал аста-секин кучайиб, оиланинг бузилишига сабаб бўлди.

Лотерея ютуғи туфайли ажрашган фақат Доузлар оиласи эмас. Яна бир эр-хотин 148 миллион фунт ютиб олганидан сўнг шундай катта маблағни тасарруф этишни уддалолмай, ажрашиб кетишган.

## ОНА-БОЛА ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛДА КЎРИШИШДИ

**Уч ёшида ўғирланиб, Мексикага олиб кетилган америкалик фуқаро 34 йилдан сўнг онаси билан дийдор кўришгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

37 ёшли Мексика фуқароси Давид Амайя Баррик Калифорнияда бошқа яширин мигрантлар қатори қўлга олинди. Аввалига, Баррик ўзини мексикалик деб таништирди. Кейин эса Чикагода туғилганини айтди. Текширувда бу тасдиқлангач, чегара хизмати ходимлари уни онаси билан учраштиришга қарор қилишди. Баррик телефонда 60 ёшли онаси билан сўзлашди. 23 ноябрь куни эса Висконсинадан атайлаб Сан-Диего аэропортига учиб келган онаси билан дийдор кўришди.

Агентликнинг маълум қилишича, Баррик 1979 йилдан буён бедарак йўқолган деб ҳисобланиб келган. Айнан ўша йили отаси уни Чикагодан Мексикага яширинча олиб кетган эди. Ҳозир Баррик уйланган, иккита боласи ҳам бор.

Бироқ, у нима учун АҚШга йўл олганлиги номаълум. Шунингдек, энди Баррик қаерда яшамоқчи, онаси билан Чикагодами ёки Мексикадаги уч акаси ва опа-сингиллари ёнига қайтадими? Ҳозирча бу савол ҳам очиқ қолаяпти.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

### ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "XOLIS ISHONCH TRANS" (ИНН 207095774) МЧЖ ҳамда "MAGNUM AVTO" (ИНН 207059334) МЧЖлар Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ARIDAN TRANS SERVIS" (ИНН 207070860) МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилишини ҳамда "ARIDAN TRANS SERVIS" МЧЖ "XOLIS ISHONCH TRANS" МЧЖ ва "MAGNUM AVTO" МЧЖларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда уларнинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.

Тел.: (+99890) 925-00-77.

"SAMAJ INDUSTRY" МЧЖнинг устав жамғармаси 159 132 050,07 сўмдан 97 490 374,87 сўмга камайишини маълум қилади.

Учтепа тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан Чилонзор-23-46-19 манзили бўйича рўйхатга олинган "XONIFAXON SUT MAHSULOTLARI" (ИНН 302709768) оилавий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** (корхона таъсисчиларининг 26.11.2013 йилдаги қарорига асосан).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99895) 505-32-48 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "SUPERIOS COMMERCE" МЧЖнинг устав жамғармаси 561 238 080 сўмдан 510 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар (+99895) 199-90-29 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Утерянные устав, гувохнома № 002613-08 от 22.12.2006г., по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский р-н, проспект Бунёдкор, д. 156-А, выданные Чиланзарским хокимиятом справка-реестр на ККА, кассовый аппарат Меркурий 115М, зарегистрированный Чиланзарским ГНИ терминал выданный Уз ПСБМАМФ мед. книжки на рабочих на фирму ЧП "HUSNI MUBORAK-GO'ZAL", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Тел.: 583-10-25.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан "AUTOCAR RENTAL" МЧЖга № 0056670 серияли, давлат рақами 01 677 TTA бўлган Нексия енгил автомобили учун берилган ЙШЕАТ лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ROZIYA" хусусий фирмаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айланишини маълум қилади.

## Жиноятга жазо муқаррар

# КЎР КЎРНИ ҚОРОНҒИДА ТОПДИ

**Мамлакатимиз қонунлари, айниқса, жиноий жавобгарликка тортувчи меъёрий ҳужжатлар миллий менталитетимиз, инсонийлик меъёрлари асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Уларда раҳм-шафқат, одамийлик тамойилларига бирламчи омил сифатида қаралган.**

Сийлаганни сигир билмас, сийпаганни ҳўкиз сезмас деганларидек, бундай инсонпарварликни тушуниб етмайдиган, қилган хатосини тузатишга уринмайдиганлар ҳам учраб туради.

Сайдивали Исломов, Нуриддин Турсунбоев илгари бир неча бор судланган бўлишига қарамай, яна жиноят кўчасидаги ҳаром луқмаларга оғизларининг суви келди. Қанийди қонунлар йўл берса-ю, бундай кимсалар жамиятдан бутунлай мосуво қилинса. Ахир бундай кишиларнинг давлат ва жамиятга фойдасидан кўра, зарари кўпроқ тегиши тайин. Улар унча-мунча эмас, гиёҳванд моддалар савдосидек жирканч ишни ўзларига касб қилиб олганлар. Маълумотларга қараганда, бугун ер юзида ҳар йили 10 миллиондан зиёд киши гиёҳвандлик оқибатида оламдан кўз юммоқда. Бундай кимсалардан туғилаётган болалар ногиронлик қисматини бир умр елкаларига ортмоқламоқдалар.

Бу Сайдивали Исломов ва Нуриддин Турсунбоев кабиларнинг нафс йўлида ҳар қандай разиллигу жирканч ишлардан қайтмаётгани, текин ва осон бойлик учун одамларни қурбон қилиб юбораётганлари оқибатидир.

Яқинда маҳалламизда ёши қирқларга яқинлашган йигит оламдан ўтди. Маълум бўлишича, у гиёҳванд моддалар истеъмол қилар, ичкиликка ружу қўйган экан. Унинг ортидан фарзандлари бўтадек бўзлаб қолишди. Аёли ёш боши билан бева бўлиб қолди. Шундай жабрдийдаларнинг хуни учун Сайдивали Исломов ва Нуриддин Турсунбоев каби иллат уруғини сочаётганлар жавоб бериши, жазосини олиши керак.

Кўр кўрни қоронғида топганидек, бу икки кимса аслида бир-бирларини қамоқхонада учратишган. Феъл-атвор ва қиладаган ишлари бир-бирига яқин бўлгани учун гап-гапга дарров қовуша қолди. Иккаласи ҳам озодликка чиқишгач, кўнгиллари яна жиноят кўчасидан ўтишни тусади...

Асли жиззахлик Сайдивали Исломов йўли тушиб Оҳангаронга келганда, Нуриддин Турсунбоевни йўқлади. Бу бежиз эмас. Улар учрашиб, суҳбат қизиганда Сайдивали Нуриддинга жиддий иш борлигини, мўмай даромадли бўлиб олиши мумкинлигини айтди.



Аввалига бироз чўчиган Нуриддин мўмай пул дарагини эшитгач, бу таклифга кўнди. Шу тариқа Нуриддиннинг қўлига героин моддаси етиб келди. У судда гувоҳлик берганда, бу моддани орган ходимларига етказмоқчи бўлганини, аммо қўрққанини рўкач қилди. Сайдивали Исломов эса айбига умуман иқрор бўлмади.

Албатта-да, қамоққа тушавериб, эти ва бети қотган бу кимса қилган қинғир ишини тан олармиди? Нуриддин шунчаки, қамоқхонадаги таниши экани, у билан ҳеч қандай ишда ҳамкорлик қилмаганини айтиб, бир талай važ-карсонлар келтирди. Бироқ, суддаги кўрсатмалар ва келтирилган далилларнинг ҳаммаси унга қарши эди. Инкор қилишнинг фойдаси йўқ.

Нуриддин Турсунбоевнинг уйини ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тинтув қилишганда топилган героин моддаси аслида Сайдивали Исломовга тегишлилиги маълум бўлди.

Албатта, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Ҳар ким қилмишига яраша жазо олади. Бироқ, кишини ўйлантириб қўядиган жиҳат шуки, бундай кимсаларнинг қилғиликлари оқибатида гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлаётганлар, ногирон туғилаётган болалар, беваликни гарданига олаётган эркагу аёлларнинг кейинги қисматига ким жавоб беради?

Минг афсуски, булар ҳақида жиноятчи кимсалар лоақал бир сония бўлсада ўйлаб кўрмасалар керак. Акс ҳолда, ақли ноқисга ҳам маълум оқибатдан ўзларига хулоса чиқарган, бундай нопок кўчанинг яқинига йўламаган бўлардилар.

Яхшики, ер юзида бу иллатга қарши кураш тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳар ҳолда бу иллат фарзандларимиз, яқинларимизга ёпишишини истамасак, унга қарши ҳар куни ва ҳар сония курашишимиз лозим.

Акс ҳолда бугун бўлмаса, эртага, аттанг, деб қолишимиз ҳеч гап эмас.

**Исомиддин АЛИМОВ.**

### ЭЪЛОНЛАР

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2014 йилнинг I чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:**

*1. 1 нав ундан чиқарилган нон*
*2. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)*
*3. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (O'zDSt 148-2001, ГОСТ 16351-86) (олий навли)*
*4. Дудланган гўшт (O'zDSt 994-2001)*
*5. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)*
*6. Мева шарбатлари (сок, компот) ГОСТ 656-79, ГОСТ 657-79, ГОСТ 16366-78, ГОСТ 937-72*
*7. Кефир 2,5-3,2 фоиз (O'zDSt 1086:2005, O'zDSt 1086:2011)*
*8. Сметана 30 фоиз (жир O'zDSt 1084-2011)*
*9. Творог 18 фоиз (O'zDSt 119-2003c)*
*10. Пишлоқ 40-45 фоиз (жир O'zDSt 628:2001, ГОСТ 7616-85)*
*11. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)*
*12. Карам*
*13. Помидор янги узилган (ГОСТ 1725-85)*
*14. Бодринг янги узилган*
*15. Қуритилган мевалар (ГОСТ 7336-69)*
*16. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)*
*17. Компот консерваланган*

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2013 йил 20 декабрь кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши керак:

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;

– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;

– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;

– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;

– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2013 йил 20 декабрь куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11, 232-80-95.**

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 22 ноябрдаги 67-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги "SARVINOZ TULPORLARI" МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2013 йил 14 март куни берилган "AT" серияли 000650 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 23 ноябрдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот беради.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан, "Яссавий Агросервис" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Сурканкент ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м, қурилиш майдони 1942,73 кв.м бўлган гараж биноси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 76 919 405 сўм.

Савдо 2013 йил 16 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 13 декабрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Чирчиқ шаҳар хокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2013 йил 7 ноябрда 2921/154 ўзг реестр рақами билан рўйхатга олинган "LOCHIN INVEST SERVIS" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли шу ном билан хусусий фирмага ўзгартирилишини маълум қилади (2013 йил 20 ноябрдаги 2-сонли баённомага асосан).

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 15-сон ЧАТСда ёки 8 (370) 714-37-24 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 22 ноябрдаги 67-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Тошкент вилояти Янгийўл тумани "FAHRIDDIN-OMAD" ХКга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2013 йил 7 август куни берилган "AT" серияли 000101 рақамли ҳамда "Тошкент вилояти ҳудудида йўқловчиларни шаҳарда автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 10 декабрь куни берилган "AT" серияли 000598 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 23 ноябрдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот беради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8597. Адади 6938. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.45.